

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси Раиси



Б.Ф. Исламов

2020 й. «24» август

Н.М. Абдуллаев номидagi
GEOLOGIYA VA GEOFIZIKA INSTITUTI
DAVLAT MUASSASASI
USTAVI

Тошкент – 2020 йил

1. Умумий қоидалар

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги Геология фанлари университети таркибида «Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти» давлат муассасасининг мақоми, мақсади, вазифа ва функцияларини, ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

1.1. «Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти» давлат муассасаси (кейинги ўринларда Институт деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4740-сонли Қарори асосида Геология фанлари университети тизимида фаолиятини олиб боради ва Геология фанлари университети Институтнинг ягона муассасиси ҳисобланади.

1.2. Институт Геология фанлари университети тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган ва бюджет ҳисобидан молиявий жихатдан таъминланадиган нотижорат ташкилот шаклидаги давлат муассасаси ҳисобланади. Институт ўзининг алоҳида мол-мулкига, мустақил балансига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эгалик қилади.

1.3. Институтнинг тўлиқ расмий номланиши:

давлат тили, кирилл алифбосида – «Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти» Давлат муассасаси, қисқартирилган номи: «Г ва ГИ».

давлат тили, лотин алифбосида – «H.M.Abdullayev nomidagi Geologiya va geofizika instituti» Davlat muassasasi, қисқартирилган номи: – «G va GI»;

рус тилида – Государственное учреждение «Институт геологии и геофизики» имени Х.М.Абдуллаева (сокращенно: «ИГиГ»);

инглиз тилида – State institution “Institute of Geology and geophysics” named after Kh.M. Abdullaev (“IGandG”).

1.4. Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Геология фанлари университети буйруқлари, фармойишлари, йўриқномалари, кўрсатмалари, ҳамда ушбу Устав асосида олиб боради.

1.5. Институт оператив бошқариш ҳуқуқи асосида алоҳида мулкка эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва

амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Институт таркибига устивор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва кадрлар тайёрлаш бўйича фаолият олиб боровчи лабораториялар, илмий-техника бўлимлар, марказлар, илмий лойиҳаларни амалга оширувчи гуруҳлар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи бўлимлар, ишлаб чиқариш участкалари ва полигонлар киради.

1.7. Геология фанлари университети тизимидаги Институт Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслари қўмитаси Геология ва геофизика институтининг амалдаги юридик шахслар билан тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.8. Институт манзили: – 100141, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 64 –уй.

2.Институтнинг мақсад ва вазифалари, ҳамда фаолият турлари

2.1 Ер қобиғининг геологик тузилиши ва таркибининг чуқур фундаментал тадқиқотларини олиб бориш, республика ҳудудининг теран ер қаъри тузилишини комплекс ўрганиш ва шу асосда уч ўлчовли геологик-геофизик моделларни тузиш.

2.2. Геологик тадқиқотлар олиб бориш дастурларининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш ҳамда геокимёвий, геофизик ва минералогик тадқиқотларнинг замонавий технологияларини жорий этиш, геологик жараёнларни компьютерда моделлаштириш, шунингдек фойдали қазилмаларни қайта ишлашда илғор технологияларни тадбиқ қилиш.

2.3. Фойдали қазилма конларини геологик таҳлил этиш, башорат қилиш ва излаш усулларини такомиллаштиришга, геологик ва геофизик тадқиқотлар соҳасида илғор хорижий технологияларни апробация қилиш ва амалиётда жорий этишга қаратилган амалий тадқиқотлар, ишланмалар ва экспериментларни тизимли равишда амалга ошириш.

2.4. Геология ва геофизика соҳасида чет эл илмий муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, илмий конференциялар, семинарлар, қўшма тадқиқотлар, лойиҳаларни ташкил қилиш.

2.5. Фан ва таълимнинг узвийлиги ва узликсизлиги тамойили асосида, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига интергацялашувини таъминлаш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини оширишда фаол иштирок этиш.

2.6. Геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек,

фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга иқтидорли талабаларни кенг жалб қилиш, уларни самарали рағбатлантириш механизмларини жорий этишда фаол кўмаклашиш.

2.7. Фойдали қазилмаларнинг янги турларини аниқлаш, уларни геологик ўрганиш ва саноатда ўзлаштиришнинг замонавий усуллари, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш.

2.8. Ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини геология соҳаси амалиётига кенг жорий қилиш.

2.9. Хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-ҳамжамиятлари ва халқаро геологик жамиятлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш.

2.10. Геология соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жаҳон геология фани ҳамда амалиёти эришган ютуқлар ва янгиликларни чуқур ўргатиш асосида уларга етказиш, шунингдек, ўқув дастурларини такомиллаштиришда фаол иштирок этиш.

2.11. Геология ва турдош тармоқлар соҳасида халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда иштирок этиш.

2.12. Институт ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ равишда:

- танлов лойиҳалари, хўжалик шартномалари ва хорижий грантларга мувофиқ равишда илмий тадқиқотлар ва ишларни амалга оширади;

- фаннинг замонавий йўналишлари бўйича давлат аҳамиятига молик тадқиқот ишлари олиб боради;

- инновацион дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этади ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этади;

- Вазирликлар, бошқармалар, компаниялар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олинган илмий-тадқиқот натижаларини мамлакатнинг иқтисодий соҳаларида ишлаб чиқаришга ўз вақтида қўллаш чораларини амалга оширади;

- Тармоқли илмий муассасалар, илмий-техник марказлар, олий ўқув юртлари (аввало магистратура мутахассисликлари), колледжлар, вазирликлар, бошқармалар, компаниялар, корхона ва ташкилотлар, илмий ва илмий-техник уюшмалар, ижодий иттифоқлар билан ўзаро манфаатли илмий, илмий-техник ҳамкорликни ўрнатади ва ривожлантиради;

- Республика ва хорижий давлатлар (шунингдек, шартнома бўйича) учун малакали илмий кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

- Институтда лозим бўлган ҳолатларда олий ўқув юртлари кафедралари филиалларини ташкил этади;
- Институт илмий ходимлари, республика ва хорижий давлатлар олимлари ва мутахассислари иштирокида симпозиум, семинар, конференциялар ҳамда долзарб илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича кенгашлар ташкил этади ва ўтказиши;
- Институтнинг ходимлари геология фанининг фундаментал ва амалий муаммолари бўйича халқаро конференция, симпозиум, семинарларда иштирок этади;
- илмий билимларни жамиятда кенг тарғибот қилади;
- илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича бажарилган ишлар тўғрисида ўрнатилган тартибда илмий-техник ҳисобот ва маълумотларни тайёрлайди ҳамда уларни юқори ташкилотларга ва бошқа давлат органларига тақдим этади;
- илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни нашр этиш учун материал тайёрлайди ва йўллайди;
- рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва объектив баҳолаши таъминлайди;
- хорижий илмий-текшириш, консалтинг ва ўқув марказлари билан илмий ва амалий алоқаларни ўрнатади ва мустаҳкамлайди, улар билан ҳамкорлик шартномаларини тузади, ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўяди;
- меҳнат интизоми, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонунчиликга амал қилиши таъминлайди ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиради;
- ҳудудларни комплекс тадқиқ қилиш, фойдали қазилма конларини геологик-геофизик башоратлаш, намунавий моделларни яратиш ва Ўзбекистон ҳудудидаги янги маъдан, номаъдан майдонларни ва яширин маъдан таналарни қидириб топиш, истиқболларни аниқлаш, ҳамда қимматбаҳо, рангли ва нодир металлларнинг маълум ва янги ноанаънавий конларнинг ҳосил бўлиш ва жойлашиш қонуниятларини аниқлаш;
- йирик илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини экспертиза қилишда иштирок этади;
- таянч докторантурага қабул қилиш режаси бўйича, мақсадли кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда таклифлар ишлаб чиқади;
- институтнинг таҳририй – нашриётчилик фаолияти режаларини тузади, полиграфия фаолиятини амалга оширади, илмий ва даврий нашрлар чоп этади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

3. Молия-ҳўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси

3.1. Институт мулки давлат тасарруфида бўлиб, у бўлинмасдир ва хиссаларга, (улушларга, пайларга), шу жумладан Институт хизматчилари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас. Бу мулкка Институт оператив бошқариш ҳуқуқи асосида эгалик қилади ва мустақил балансида ифода этади.

3.2. Институт мулкининг шаклланиш манбалари қуйидагилардан иборат:

-Геология фанлари университети тарафидан Институтга оператив бошқариш ҳуқуқи билан биркитилган мулк;

-бюджетдан ажратилган мақсадли маблағлар, дотациялар;

-Институтнинг хўжалик фаолиятидан олинган даромадлари;

-қарз маблағлари, шу жумладан банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотларнинг кредитлари;

-қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

-Институт мулкининг қиймати Институтнинг мустақил балансида акс эттирилади.

3.3. Минерал хомашё базани ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқариш ҳар йиллик давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги тарафидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, хўжалик фаолиятидан тушимлар, ҳалқаро ташкилотлар грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар институтнинг молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

3.4. Кўчар ва кўчмас мулкни Институт қонунчиликда белгиланган тартибда, фақат мақсадлари, предмети ва турлари ушбу Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилмайдиган доирада тасарруф этади.

3.5. Институтда давлат мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи Институтнинг асосий воситаларини ва бошқа мулкларини топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси Институт директори ва Геология фанлари университети томонидан имзоланган вақтдан бошлаб юзага келади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда Институт мулкни тасарруф этиш унинг директори томонидан Геология фанлари университети билан келишилган ҳолда амалга оширилади:

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

- мулкни улуш сифатида хўжалик жамиятининг устав фондига кўшиш;

- хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушлари)ни сотиб олиш;

- хўжалик жамиятларидаги Институтга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

- мулкни Институт фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

3.7. Институт ер ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилишни ва улардан фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

4. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Институт ўз вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида кўзда тутилган ҳуқуқий муносабатларда ўз номидан ўрнатилган тартибда иштирок этиш;

- ўзининг ваколат доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу Уставга зид бўлмаган зарур қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш, ўз фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий масалаларини мустақил ҳал қилиш;

- шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, олинган фойдани Институт ходимларини моддий рағбатлантиришга, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга сарфлаш;

- олиб борилаётган тадқиқотларга эксперт сифатида, контракт асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотлар мутахассислари, тадқиқот марказлари ходимлари, олий ўқув юртлари ва чет эл олимларини ва ўқитувчиларини жалб қилиш;

- вазирликлар, бошқармалар, корхона ва ташкилотларга қонунчиликка мос равишда ахборот, консалтинг ва чоп этиш хизматлари кўрсатиш;

- ўрнатилган тартибда халқаро ҳамкорликларни амалга ошириш, олимлар ва мутахассисларни чет давлатларга хизмат сафарга юбориш, чет эл олимларини, халқаро ижтимоий, молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг вакилларини, соҳа буйича чет эл фирмалари ва компанияларининг вакилларини таклиф қилиш ва қабул қилиш;

- интеллектуал ва бошқа мулкларга, хўжалик ва бошқа фаолият орқали олинган маҳсулот ва фойдаларга шунингдек, қонунчилик асосида ишлаб топилган мулкларга эга бўлиш, фойдаланиш ва бошқариш;

- ўзининг моддий-техник базасини ривожлантириш, капитал курилишни амалга ошириш, асосий фондларни реконструкция қилиш ва тиклаш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

- банкларда ва бошқа молиявий ташкилотларда ҳисоб рақамларини очиш ва улар буйича мос операциялар ўтказиш;

- расмий халқаро йўлдошли, телекоммуникацион ва компьютер алоқаларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш;

- Институт, Геология фанлари университети билан ўзаро келишилган ҳолда, ўз қарамоғида мустақил балансда исталган шаклдаги мулкчиликка эга бўлган конструкторлик ташкилотлари, тажриба ишлаб чиқариш, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар ва бошқа тижорат корхоналарига эга бўлиш.

4.2. Институтнинг мажбуриятлари:

- Илмий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги тизимига ўтиш қоидалари доирасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг амалдаги ва истиқбол дастурлари, ҳамда олинган натижаларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва бошқа тармоқларда қўллаш дастурлари бўйича танловларда иштирок этади;

- асосий илмий йўналиши бўйича илмий ва илмий-техникавий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар шу жумладан халқаро тадбирлар ўтказиш лойиҳасини тузади ва амалга оширади;

- диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар тузишга таклиф киритади ва уларнинг иш фаолиятини таъминлайди ва корхонанинг жорий йил харажатлари умумий рўйхатига киритади;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан, ўз ходимлари билан улар яратган интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқ берувчи шартномалар тузади;

- белгиланган тартиб асосида экспорт-импорт операцияларини амалга оширади, уларга жумладан, интеллектуал мулк (патент, лицензия, «ноу-хау», фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, «инженеринг» хизмати, консалтинг ва бошқалар) объектлари натижалари ҳам киради;

- Институтнинг илмий соҳасига мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш учун шартномалар тузади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шартномалар тузиши мумкин;

- Институт йўналиши бўйича буюртмачилар билан тузилган шартномалардаги илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини мустақил белгилайди ва бу шартномалардан тушган маблағларни ўрнатилган тартибда сарфлайди;

- таркибий бўлинмалар ва ходимлар сонини Университет билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

- айрим дастурларни, лойиҳаларни шу жумладан айрим буюртма ва топшириқларни бажариш ва ишланмаларни халқ хўжалигига тезроқ жорий этиш учун вақтинча ижодий жамоалар тузади;

- Университет билан келишган ҳолда муайян лавозимлар учун белгиланган разрядлар чегарасида разрядларини, тариф ставкаларини ва ойлик маошларига амалдаги қонунчиликда назарда тутилган устамаларни ва қўшимча тўловларни тайинлайди, ўзгартиради ва бекор қилади;

- Институтда фойдаланишга мўлжалланган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни (лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, таркиб, бўлинмалар, уларнинг ўзаро муносабатлари, ишларни ташкил қилиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, харажатларни ҳисобдан чиқариш ва ҳоказо) ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларни жорий қилади;

- мукофотлаш ва устама ҳақ тўлаш ҳақидаги тасдиқланган Низомга мувофиқ ходимларни мукофотлайди ва уларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгилайди;

- илмий-тадқиқот ишларини моддий-техник таъминоти бўйича тезкор фаолият кўрсатади, узлуксиз ва бир меъёрда ишлаш учун хомашё, материаллар, ёнилғи ва бошқа ресурсларнинг зарур захираларига эга бўлади ҳамда уларни тежаб сарфлаш чораларини кўради;

- ихтиёридаги молиявий маблағ доирасида қурилиш, асосий фондларнинг реконструкцияси, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб боради, пудрат шартномаси ёки хўжалик усули асосида олиб борилаётган ишларнинг бажарилишини назорат қилади, объектлар ва сотиб олинган асбоб-ускуналарнинг жадал ишга туширилишини таъминлайди;

4.3. Институт энг яхши илмий иш учун, шу жумладан ёшлар учун ҳам махсус мукофотлар таъсис этиши ва тегишли танлов ўтказиши мумкин.

4.4. Институт ўз ходимларининг шунингдек, бошқа фан ва маданият ходимларининг фан тарихи учун қимматли бўлган қўлёзмаларини шакллантириш ва уларни сақлаш учун архивга топшириш ҳуқуқига эга.

4.5. Институт бошқа илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари, кутубхоналар, фондлар, нашриётлар ва бошқа давлатлар ташкилотлари билан босма нашрлар алмашиш ҳуқуқига эга.

4.6. Институтга берилган ҳуқуқлар институт директори тарафидан ёки ўрнатилган вазифалар тақсимоти бўйича Институтнинг бошқа мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

4.7. Институт олинган натижаларнинг юқори савияда ва сифатли эканлигига, уларнинг жаҳоннинг энг илғор натижалари даражасида эканлигига, илмий жамоанинг ижодий имкониятларини максимал реализация қилишига шароит яратиб берилганлигига жавобгардир.

4.8. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти бўйича Институтнинг вазифалари:

- юқори ташкилотлар ва давлат бошқаруви органлари қарорлари билан юклатилган вазифаларни, шунингдек хўжалик субъектлари билан илмий-изланиш ва амалий ишларни бажариш тўғрисидаги шартномаларни тузишда олинган мажбуриятларни сифатли бажариш;

- ёш мутахассисларнинг малакалари ва билимларини ошириш учун лозим бўлган шароитларни яратиб бериш ва Институт илмий потенциалининг ўсишига ёрдам бериш;

- мулк воситалари ва меҳнат ресурсларини самарали сарфлаш;
- Институт балансидаги унга ишониб топширилган мулкнинг бутунлигини таъминлаш, илмий ускуна ва асбобларнинг ишлаш қобилияти ва фойдаланиш характеристикаларини сақлаб туриш;
- Институт ходимларини маънавий-маърифий, маданий ва жисмоний тарбиялаш бўйича фаолият юритиш.

4.9. Институт меҳнат ҳақидаги қонун, меҳнатни муҳофаза қилишнинг қоидалари ва меъёрлари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, давлат ижтимоий суғуртаси ва меҳнат интизоми ҳақидаги қонунларнинг бажарилишини таъминлайди.

4.10. Институт ўраб турган ҳаво, тупроқ ва сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш учун, хўжалик чиқиндилари, оқова сув ва чиқиндилар билан ифлосланмаслиги учун, шунингдек, шовқин ва радиотўсқинликларга қарши курашиш учун зарур бўлган чораларни кўради.

5. Институтни бошқариш

5.1. Институт фаолиятига Университет томонидан меҳнат шартномаси асосида лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган илмий унвонга эга бўлган директор раҳбарлик қилади.

Директор лавозимида ишловчи шахс мустақил штат лавозимида ишловчи шахс ҳисобланади ва уни ўриндошлик тартибида эгаллашга рухсат этилмайди.

5.2. Институт директори ўз фаолиятида Университет Уставига, ушбу Уставга ва қонунчиликда белгиланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

5.3. Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда, Университет ректорининг буйруғи билан директор ўринбосарлари тайинлайди. Директор ўринбосарларининг ваколатлари Институт директори томонидан белгиланади.

5.4. Институт ходимлари ва Институт директори ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари юзасидан вужудга келадиган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Университет жамоа шартномаси асосида тузилган Институт жамоа шартномаси билан тартибга солинади.

6. Институт директорининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

6.1. Институт директорининг ҳуқуқлари:

- ўз ваколати доирасида Институт мулкини бошқаради, тегишли тартибда шартномалар тузади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда уларга ишончномалар беради;

- банкларда тегишли тартибда ҳисоб рақамларини очади;
- маблағларни бошқариш ҳуқуқидан фойдаланади;
- Геология фанлари университети билан келишилган ҳолда Институт ходимларининг штатлар сонини ва уларнинг иш ҳақлари миқдорини тасдиқлайди;
- буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
- Институтнинг локал ҳужжатларини тасдиқлайди;
- Институтнинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган кўрсатмалар беради;
- Геология фанлари университетига Институт директорининг ўринбосарлари лавозимига номзодларини тақдим этади;
- ўз ходимларига кафолатланган иш шароитларини ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлайди ва ишлаб топилган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди;
- қонунчилик асосида бошқа ваколатларни амалга ошаради.

6.2. Институт директори Геология фанлари университети Илмий кенгашида Институт фаолияти юзасидан ҳисоботлар беради.

6.3. Институт директори ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш юзасидан, Институт манфаатларини кўзда тутган ҳолда ҳаракат қилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидагилар учун жавобгардир:

- бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ўз вақтида ўтказиш;
- Институт ходимларига урнатилган тартибда ойлик иш ҳақларини тўлаш;
- Институт ходимларининг меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган барча қонуний талабларини қондириш;
- ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжларга белгиланган муддатларда пул маблағларини ўтказиш;
- ишлаб чиқаришда бахтсиз ходиса туфайли Институт ходимларига зарар етказилиши ёки соғлиққа бошқа зарар етказилиши;
- унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Институтга етказилган моддий зарар, шу жумладан Институтга топширилган давлат мулкнинг йўқотилиши ҳоллари учун.

7. Институт филиаллари ва ваколатхоналари

7.1. Институт Геология фанлари университети билан келишилган ҳолда, алоҳида юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмаларни очиши, уларни алоҳида балансида ва Институт балансида турувчи мулк билан таъминлаши мумкин.

7.2. Ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар Институт томонидан тасдиқлаган Низомлар асосида Институт номидан фаолият юритади. Институт таркибига структуравий бўлинмалар ҳам кириши мумкин.

7.3. Институт филиали ва структуравий бўлинмасининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан келишилган ҳолда, Институт директори томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият юритади. Филиал ва структуравий бўлинманинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ишончнома Институт директори томонидан бекор қилинади.

7.4. Институт бошқа давлат корхонасининг, ташкилотининг ва муассасасининг таъсисчиси бўлиши мумкин эмас.

8. Институтнинг жавобгарлиги

8.1. Институт ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли бўлган мулк билан жавоб беради. Институт мулки етарли бўлмаган ҳолда Геология фанлари университети институт мажбуриятлари бўйича субсидиар тарзда жавоб беради.

8.2. Институт Геология фанлари университети мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8.3. Институтнинг филиаллари ва бўлинмаларининг мажбуриятлари бўйича Институт жавоб беради.

9. Институтнинг фаолияти устидан назорат

9.1. Ҳисобот даври тугагач, Институт ваколатли органларга молиявий ҳисобот ва рўйхати қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим

этади, ҳамда белгиланган тартибда хужжатларнинг сақланиши ва уларни давлат архивига сақлаш учун топширилишига жавобгардир.

Институт Геология фанлари университети томонидан белгиланган шаклда ва тартибда ўзининг асосий ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботларни Геология фанлари университетига тақдим этади.

9.2. Институтнинг хўжалик юритувчи орган сифатидаги фаолияти устидан назорат қилишни Геология фанлари университети ва бошқа ваколатли давлат органлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

10. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш

Институтни қайта ташкил этиш (бирлашиш, ажралиш, ўзгартириш) ва тугатиш Университет билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ёки суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

11. Институтнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

11.1. Институт уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар Геология фанлари университети қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

11.2. Институт уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва муддатда уставни рўйхатга олган органга тақдим этиши, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини ёки унинг ҳудудий бошқармасини хабардор қилиши шарт.

«Х.М.Абдуллаев номидаги

“Геология ва геофизика институти»

Давлат муассасасининг директори



А.К.Нурходжаев